

TRANSPORT VOSITALARI ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА
ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

Мажидов Жамшед Абдулло ўғли,

*Тошкент давлат транспорт университети,
”Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунлари билан таққосланган. Австрия, Финляндия, Буюк Британия, Испания, Украина, Франция, Дания, Эстония, Болгария, АҚШ, Россия ва Озарбайжон каби давлатларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига оид қонун нормалари ва амалий чора-тадбирлари ўрганилган. Мақсад — ушбу ижобий тажрибаларни миллий қонунчиликка интеграция қилиш ва жамиятимизда хавфсиз ҳаракат маданиятини шакллантириш.

Калит сўзлар: Йўл ҳаракати хавфсизлиги, қонунчилик, хавфсизлик чоралари, ривожланган давлатлар тажрибаси, Ўзбекистон, “hands-free” технологиялари.

Annotation : This article provides an in-depth analysis of traffic safety legislation and practical measures implemented in developed countries, including Austria, Bulgaria, the United Kingdom, Denmark, Ukraine, Estonia, Spain, France, Finland, the United States, Azerbaijan, and Russia. The study compares these countries' legal frameworks with that of Uzbekistan, identifying positive aspects and exploring opportunities to adapt international best practices to the national context. The primary objective is to enhance traffic safety by integrating successful foreign experiences into Uzbekistan's legal system.

Keywords: Traffic safety, legislation, international experience, Austria, Bulgaria, United Kingdom, Denmark, Ukraine, Estonia, Spain, France, Finland, United States, Azerbaijan, Russia, "hands-free", Romano-Germanic legal system.

Бугунги кунда ҳаётимизда кўп учраётган жиноятлардан бири бу транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятидир. Ушбу жиноят учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасида жиной жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу модданинг биринчи қисмида транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки

оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган жиноий ҳаракат учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу жиноий ҳаракатлар учун қонун санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жағрима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноят одам ўлишига сабаб бўлса ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган жиноят таркибини беради. Ушбу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоси белгиланган. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш одамлар ўлимига, ҳалокатга, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган жиноят таркибини беради. Ушбу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоси белгиланган. Жиноят объекти жамоатчилик хавфсизлиги, одамлар ҳаёти ва соғлиғи, ўзгалар мулки ҳисобланади. Ҳаракат хавфсизлиги деганда, фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги, яъни йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳоҳдисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати тушунилади. ЖК 260-269-моддаларида кўзда тутилган “Транспорт воситалари деганда, енгил ва юк автомашиналарнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см³дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзиюрар машиналар (экскаватор, бульдозер, автокран ва бошқалар) тушунилади”. Механик транспорт воситалари ўзи юрар бўлиши, яъни мустақил двигателига эга бўлиши шарт. Агар машина двигатели ишдан чиққан ҳолда ва у қўл ёрдамида силжитилса, у ҳолда шарҳланаётган жиноят предмети мавжуд эмас, амалда содир этилган қилмиш муайян шарт-шароитда транспортнинг хавфсиз ишлаши қоидаларининг бузилиши деб баҳоланиши мумкин (ЖК 268-моддаси). Бироқ, ана шундай машина бошқа транспорт воситаси томонидан тортиб кетилаётган бўлса, тортиб кетилаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг белгиланган қоидаларни бузиши ЖК 266-моддасида кўзда тутилган жиноят таркиби белгиларига мос тушади. Айбдор ҳаракатларини квалификация қилиш учун транспорт воситаси фойдаланишдаги ёки ўқув машинаси эканлиги аҳамиятга эга эмас, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам у юқори хавф манбаи бўлиб қолаверади. Жанговар, махсус ва транспорт машинаси ана шу жиноят предмети бўлиб кела олмайди, чунки бундай машиналар ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини бузганлик учун жавобгарлик ЖК 298-моддасида кўзда тутилган. Бироқ, агар йўл-транспорт ҳодисаси фуқаро шахс

томонидан ҳарбий машинани бошқариш чоғида юзага келса, у ҳолда ушбу қилмишни ЖК 266-моддаси бўйича квалификация қилиш керак бўлади. Ушбу жиноят объектив томондан қуйидаги учта зарурий белги билан тавсифланади: 1) транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши; 2) қонунда кўзда тутилган зарарли оқибатларнинг келиб чиққан-лиги; 3) кўрсатилган қоидабузарлик билан унинг оқибатида келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги. Транспорт воситасини бошқараётган ва ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин. Бунда у транспорт воситасини ўзбошимчалик билан, ёки бировнинг рухсати билан бошқарганлиги, унда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Бироқ бу ҳолда транспортни бошқаришни бошқа шахсларга беришга йўл қўйган автомашина эгалари жавобгарликка тортилиши керак. Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузган ва ҳаёти хавф остида қолган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаган шахснинг ҳаракатлари тегишлича Жиноят кодексининг 117 ва 266-моддалари тегишли қисмлари билан квалификация қилинади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. – Тошкент, 2017.
3. “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Тошкент, 2000.
4. Адлия вазирлиги ахборотномалари, турли йиллар.
5. Қодиров С.Қ. “Иқтисодий суд ишларини юритишда амалий қўлланма”. – Тошкент: Адолат нашриёти, 2021.
6. Kadirov, S.Q. (2021). *Practical Guide to Economic Court Procedures in Uzbekistan*. Tashkent: Adolat Press.
7. Дадашева, А. А. (2022). Право свободно получать и распространять информацию – важный фактор непосредственного общественного контроля над деятельностью органов государственной власти и управления. *Academic research in educational sciences*, 3(tstu conference 2), 14-19.
8. Dadasheva, A. A. (2022). Yoshlarning huquqiy madaniyatini rivojlantirishning muammolari. *academic research in educational sciences*, 3(tstu conference 2), 312-315.
9. Дадашева, А. (2021). Жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили. давлат бошқарув академияси.

10. Дадашева, А. (2020). Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари. Давлат бошқарув Академияси.

11. Дадашева, А. (2019). Давлат хизматини ислоҳ қилиш шароитида ҳокимлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари. Давлат бошқарув Академияси.

12. Дадашева, А. (2019). Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг давлат ва жамият бошқарув тизимидаги ўрни. [tadqiqot.uz. https://doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-6](https://doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-6).

13. А Дадашева - [Взаимодействие органов представительной власти на местах и самоуправления граждан в осуществлении действенного общественного контроля](#). Фуқаролик жамияти. Гражданское общество, 2021.